

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАНИФА СОЛИҲОВА

ИСТИҚЛОЛ ОРЗУСИ ВА РЕАЛИСТИК ТАСВИР

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2009

Мазкур монографияда адабиётимиз тарихидаги энг мураккаб ва зиддиятли воқеаларга бой бўлган XIX асрнинг II ярмидаги адабий ҳаёт ва унда фаолият кўрсатган айрим маърифатпарвар шоирларнинг ижоди таҳлил этилади. Унда адабиётимиз тарихининг ўқилмаган саҳифалари ёритилади, Сўфизода, Оразий, Ҳайратий каби ажодларимизнинг ҳаёт йўли, маънавий олами, илғор дунёқараши, мустақиллик ҳақидаги орзу-умидлари ҳақида сўз юритилади.

Монография институт ва университетларнинг филолог талабалари, магистр ва аспирантлари, тадқиқотчилар ҳамда барча қизиқувчилар учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:
Д.АБДУЛЛАЕВА,
филология фанлари номзоди

Тақризчилар:
Д.ҚУРОНОВ,
филология фанлари доктори, профессор
Ҳ.КАРИМОВ,
филология фанлари номзоди, доцент

*Монография Андижон Давлат университети илмий кенгаши
томонидан нашрга тавсия этилган*

ISBN 978-9943-08-409-4
© Ҳанифа Солиҳова. «Истиқлол орзуси ва реалистик тасвир». «Янги аср авлоди», 2009 йил

КИРИШ

Асрлар бўйи орзу қилинган миллий мустақилликка эришганимиз республикаимиз ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва сиёсий ҳаётида жуда улкан ижодий ва ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Миллий Истиқлол Ўзбекистоннинг оламшумул ютуқларга эришувига замин ҳозирлади. Юртимизни, ўзбек халқини бутун дунё таниди. Мустақиллик учун олиб борилган курашлар тарихан узоқ даврларга бориб тақалади. Шўро мафкурасининг сиёсати Ватан, ватанпарварлик, миллийлик, ўзликни англаш каби маънавий қадриятларимизнинг бузиб талқин қилинишига, уларнинг қадрсизланиши ва кўп асрлик урфодат ҳамда анъаналаримизни менсимасликка олиб келди. Бу ҳол халқнинг миллий ўзлигини англашга, ўз юртининг, миллатининг озодлиги ва мустақиллиги учун қай-фуришга кучли таъсир кўрсатди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистоннинг рус мустамлакачилари томонидан босиб олиниши икки томонлама зулмни келтириб чиқарди. Шу муносабат билан ўлка сиёсий-иқтисодий ва маданий ҳаётида юз берган ўзгаришлар ўзининг қарама-қарши қутбларига эга эди. Чунки Марказий Осиё бир томондан бу ерларга хом ашё базаси сифатида қараётган мустамлакачи чор Россияга қарам бўлиб қолди. Маҳаллий аҳоли бошидаги хонлар, беклар давридан мерос бўлиб келаётган феодал деспотизми устига рус маъмурларининг жабр-зулмлари ҳам қўшилди. Шаҳар косиблари, ер эгаларига қарам бўлган деҳқонларнинг аҳволи ниҳоятда оғирлашиб кетди. Иккинчи томондан ўзбек диёри янгиликка интилиб, Оврўпоча юксалиш тарзини орзу қилди. Натижада ўлкада янгиланиш ғоялари юзага келди. Ва жаидчилик ҳаракатлари ўз ифодасини топди.

«Жадидчилик – давлат, тузум бошқарувини ислоҳ этиш ва миллатни ривожлантириш орқали, умуман, жамиятни янги тараққиёт босқичига олиб чиқишни мақсад қилиб қўйган ғоялар ва аниқ амалий тадбирларни ўзида мужассамлаштирган тизим экани барчага аён».¹

XIX асрнинг 80-90-йилларига келиб миллий озодлик йўлидаги ҳаракатлар сиёсий тус ола бошлади. Ўзаро савдо-сотиқларнинг ривожланиши марказий Осиё минтақаларида яшовчи маданий жиҳатдан орқада қолган халқларнинг ҳам кўзини оча борди. Бу халқлар жаҳон тараққиётига яқин бўлган Оврўпо халқлари хусусан, руслардан ибратли томонларини ўргана бошлади.

Туркистон жадидлари Ғарб ва Оврўпо фалсафаси, айниқса, француз маърифатпарварларидан ўрганилган жойлар кўп. «Зеро, бир вақтлар ўз тараққиётига Шарқдан кучли турткилар олган Ғарб ва Оврўпо муайян юксалиш босқичда туриб, ижобий самараларни Шарқнинг ўзига яна қайтариб берди»,² деган эди.

Лекин жадидчиликнинг барча илғор ғояларини фақат Ғарб ва Оврўпога боғлаб қўйиш миллатга нисбатан тубанлик бўлар эди. Туркистон эса шўро тўнтарувига қадар ҳам, ундан кейин ҳам, ана шундай истибоддан қутулиш ва мустақилликни қўлга киритиш билан боғлиқ.

XIX асрнинг иккинчи ярмида мактаб-маориф соҳасида содир бўлаётган бу ўзгаришлар XX аср бошларида янги усул мактабларининг пайдо бўлишига, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Авлоний каби кўплаб атоқли педагогларнинг етишиб чиқишига замин ҳозирлаб берди.

Россиядан миллионлаб мужикларни кўчириб келтириб, серҳосил ерларга жойлаштириш ва маҳаллий халқни эса қувиб чиқариш авж олди. Ўлкани мустамлакачилик тар-

¹ Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш ва тараққиёт учун кураш. Ҳам-муаллифлар жамоаси. –Т.: «Университет», 1999

² Ўша асар

тиблари билан идора эта бошладилар. Маориф ва ижтимоий соҳаларда эса исломни бузиш, ерли халқни руслаштириш – чор ҳукуматининг бош йўли қилиб белгиланди. Ушбу мақсадни кўзда тутувчи давлат қарамоғидаги рус тузем мактаблари кўпайиб борди. Бу мактаблар туб жой болаларига дастлабки таълимни бериши, гўдаклигида ноқ ақлу фикрини жиловлаб олишни кўзда тутарди. Ўрта мактабларга улар ўқишга қўйилмас эдилар. Рус-тузем мактабларига муносабат ерли зиёлиларда икки хил эди:

1. Ҳамкорлик қилувчилар (Саидғани Саидазимбой ўғли, Сатторхон Абдуғаффоров, Саидрасул Саидазизов).
2. Рад этувчилар (И.Гаспиринский, З.Валидий, М.Чўқаев).

Маҳаллий мактаблар эса хусусий бўлиб, уларга кўплаб тўсиқлар қўйиларди. Айниқса, Исмоилбек Гаспиринский бошлаб берган замонавий усули жадид мактабларига мустамлака ҳукумати қаттиқ турди. Шуларга қарамай маҳаллий зиёлиларнинг жасоратлари туфайли янги мактаблар очилаверди. Маълумотларга қараганда, 1903 йилда Туркистонда 102 та бошланғич, иккита ўрта «Усули жадид» мактаби бўлган.

И.Гаспиринскийнинг саъй-ҳаракатлари билан чиқарилган «Таржумон» рўзномаси ўз олдига ана шу мақсадни қўйган эди. 1881 йилда рус тилида ёзилган «Рус мусулмонлиги» рисоласи ана шу мақсадда қилинган дастлабки иш эди. Рисолада муаллиф Россияда яшовчи мусулмонларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, уларни миллий, диний жиҳатдан ҳимоя этиш масалаларини кўтариб чиқди.

XX аср бошларида авж олиб кетган ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, айниқса, 1905, 1907, 1917 йилларда бўлиб ўтган инқилобий ҳаракатлар барча халқларнинг маънавий оламида ички тўлқинларни вужудга келтирди.

1897 йилда бошланган Мингтепа исёни диққатга моликдир. «Дукчи эшон қўзғолони» номи билан тарихга

кирган бу ҳаракат Муҳаммадали Исмоил ўғли бошчилигидаги Мингтепа қўзғолони қабатларида миллий озодлик ҳаракатлари бор бўлганлиги миллий истиқлол туфайли илмий истеъмолга кирди.

1904-1907 йилларда Самарқанд вилояти қишлоқларини, умуман мустабидликка қарши кураш бошлаган Намоз Пиримқул ўғли бош бўлган озодлик ҳаракатлари қамраб олди.

1910 йилнинг бошларида Туркистонда янги адабиёт шаклланди. Бу борада 1901 йилдан чоп этила бошланган Мунавварқорининг «Адиби аввал», «Адиби соний», Саидрасул Азизий (1866-1933)нинг «Устози аввал», Алиасқар Калилининг «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», Рустамбек Юнусбековнинг «Таълими аввал», «Таълими соний» каби дарслик мажмуалари, хусусан, улардаги ихчам дидактик шеър ва ҳикоялар янги адабиётнинг шаклланишида илк тажрибалар вазифасини ўтади.

Абдулла Авлонийнинг «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» (1909), Саидаҳмад Васлийнинг «Миллий шеърлар» (1912), Сидқий Хондайлиқийнинг «Тухфаи Шавкат» (1914), «Базми ишрат» (1914), Ҳожи Муиннинг «Гулдастаи адабиёт» (1914) каби китоблари ўзбек шеъриятининг дастлабки намуналари эди.

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 1911 йилда ёзилиб 1913 йилда чоп этилган «Падаркуш» драмаси ўзбек драмачилигига асос солди. «Фалокатзада» (1911 й. Муаллифи Абдурауф Шоҳидий), «Бефарзанд Очилдибой» (1914 й. Муаллифи М.Шермуҳаммедов) каби илк реалистик наср намуналари майдонга келди.

Матбуотнинг майдонга келиши публицистика тараққиётига йўл очди. Бу борада Беҳбудий, Фитрат, Мунавварқори, Чўлпонларнинг хизмати катта бўлди. 1916 йилнинг июлида бутун Туркистонда «Мардикорлик воқеалари» номи билан тарихга кирган Жиззах қўзғолони миллий озодлик ҳаракатининг асосий йўналишини ташкил этди.

Туркистон маънавий ҳаётида кенг томир отган ўзбек жаҳид адабиёти юзага келиб Ҳамза, Сўфизода, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Абдулла Қодирӣ, Фитрат каби намояндаларимиз жаҳид адабиёти тараққиётида улкан эзулик ишларини бошлаб берди.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Марказий Осиёда юз берган жиддий ижтимоий-сиёсий воқеалар таъсирида кишилар онгида турмушни, яшаш тарзини ўзгартириш, эскича яшаш усулларини инкор этиш, янгича давлат барпо қилиш каби фикрлар пайдо бўла бошлади. Бундай фикр ва қарашлар ўзбек адабиётида турли даражада ва турли кўринишларда ўз аксини топди. Реал ҳаётнинг, замонанинг энг долзарб масалаларини ёритиш адабиётимизнинг энг муҳим муаммоларига айланди. Адабиётда халқчиллик, инсонпарварлик, ҳаётийлик хусусиятлари янада кучайди.

«Бой маданий адабий меросимизни ўрганиш, англаш ва унга ворислик қилиш маънавиятнинг ўзак масалаларидандир. Бежиз эмаски, мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждоқларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди».¹

Негаки, узоқ вақтлар давомида маданий меросимиз бир ёқлама тадқиқ қилинди. Марксизмнинг синфийлик ҳақидаги ақидаларига тўғри келмайдиган асарлар четга суриб қўйилди. Айниқса диний ахлоқ ва тарбияга, умуман, илоҳиёт фалсафасига оид асарларнинг ўрганилишига йўл қўйилмади. Машҳур адибларимизнинг асарлари эса ё четлаб ўтилди, ё бир ёқлама талқин этилди. 70-йиллар давомида мактаблардан тортиб олий ўқув юр்தларигача расмий рухсат берилган асарларгина ўрганилди, тарғиб этилди. Қолаверса, мумтоз адабиётимизда

¹ Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: «Ўзбекистон», 2000

беназир асарлар яратган шоирларимизнинг бир қанча китоблари чеклаб қўйилди.

Бу ҳол халқнинг сезиларли қисмида ўз ўтмишини тўғри англаб етмаслик ҳақидаги юзаки билимлар алдовиди яшаш кўникмасини пайдо қилди. Бу кўникма ҳаёт ва фикрлов, ижод ва тушунув мезонига айланиб борди. Чала ҳақиқатлар яқин ўтмишимизни ҳалол ва холис ёритишга тўсқинлик қилди. Мумтоз адабиётимизнинг тадрижидаги узилишлар, сунъий бўшлиқлар ҳосил бўлдики, бу ҳол маънавий бойликларимизга ҳалокатли таъсир эта бошлади.

Мустақиллик туфайли XIX аср охири XX аср бошларида ҳаётининг фаолияти ва ижодий изланишлари собиқ совет даврида ҳам ижод қилиб, озодликни, ҳурриятни, миллий мустақилликни орзиқиб кутиб, ўз асарларининг гоёвий мазмунини, бадиий тафаккурини юксак даражада санъаткорона ифодалаб берган сўз санъаткорлари асарлари ўз қадрини топди. Жумладан, Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманида туғилиб, ўзининг бутун онгли ҳаётини, умрини, ижодини Ўзбекистонни, ўзбек халқини қуйлашга бағишлаган шоир Оразий ва Ҳайратийлар ижоди диққатга лойиқ. Шунингдек, Наманган вилоятининг Чуст туманида туғилиб, шу ерда яшаб, ижод этган Эгамберди пичоқчининг ўғли шоир Муҳаммадшариф Сўфизода ҳам миллатнинг шундай фарзандлари қаторида бўлиб, унга «Ўзбекистон халқ шоири» фахрий унвони берилган.

Мазкур монография бугунги кунда, айниқса, миллий истиқлол мафкураси шакллантирилаётган бир пайтда жуда катта илмий амалий аҳамият касб этади.

ЭРК, ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИ ВА ДАВР ШОИРЛАРИ ИЖОДИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

Ўзбек эрк, озодлик ва маърифатпарварлик адабиётининг такомиллида фаолият кўрсатган ва ўз навбатида кейинги давр адабиётининг шаклланишига қайси даражададир ҳисса қўшган қалам соҳибларининг ижодий фаолиятини тўла ўрганиш, уларни кенг китобхонлар оmmasига танитиш бўйича ҳали анчагина ишлар қилиниши керак. Зотан, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб оlinиши билан ўлка ҳаётида содир бўлган ижтимоий воқеа ва салбий ҳодисаларга эътибор билан қараб, мустабид мафкура сиёсатини ўз асарларида танқид қилган, бир қўлида қалам ушлаб ҳам душманларга қарши курашган, ҳам ҳаётий, ҳам фалсафий мавзуларда шеърлар ёзган тошкентлик, хоразмлик, фарғоналик, самарқандлик қатор шоирлар ҳамон ўз тадқиқотчиларини кутиб турибди. Тўғри, уларнинг баъзилари ўз ижодида чинакам ижодий баркамолликка кўтарила олмаганлар. Аммо ўз даврида уларнинг истеъдод билан ёзилган битта шеъри ҳам янги давр адабиётининг юзага келишида муҳим аҳамиятга эга бўлган эди. Шу тарзда ижодларининг илк босқичларида халқчил ва холисона руҳда ижод этиб, бу анъаналарни янги давр адабиёти равнақига хизмат этдирган уч шоир – Сўфизода, Оразий ва Ҳайратийнинг ҳаёт йўли ва фаолияти алоҳида диққатни тортади. Фарғона водийсининг Чуст ва Шаҳрихон мавзеларида камолга етган бу шоирларни Муқимий бошлиқ адабий мактаб билан алоқа бир-бирларига яқинлаштириб туради. Улар адабиётга Муқимий мактабининг давомчилари сифатида кириб келдилар. Муқимий билан бевосита учрашиб, суҳбатдош бўлибгина қолмай, унинг ҳаётбахш лирикаси, ўткир ҳажвиётидан баҳраманд бўлмаган бу шоирлар XIX асрнинг охири чорагидаги маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётига муносиб ҳисса қўшган-

лар. Шу билан бирга улар XX асрнинг аввалларида маърифатпарварлик анъаналарини ривожлантириб, давр адабиёти тематикасини инсоннинг бахт-иқболи ҳақидаги ғоялари билан бойитдилар. Илғор ғарб маданияти – вақтли матбуот янгиликлари, жаҳон санъати ютуқларидан озиқланган Сўфизода ўз асарларининг чуқур халқчиллигига эришди.

Оддий ҳунарманд оилаларда туғилиб вояга етган Оразий ҳамда Ҳайратий ўзлари каби минглаб, ўн минглаб аламдийда, жабрдийдаларнинг куйчилари даражасига кўтарилдилар. Сўфизода ҳукмрон доиралар томонидан таъқиб этилиб, чет элларда сарсон-саргардонликда юганда ҳам, Оразий ва Ҳайратий маъмурий идоралар, маҳаллий амалдорлар томонидан сўнгсиз тазйиқларга учраганларида ҳам ўз халқлари меҳр-муҳаббати билан яшадилар. Унинг бахтли келажагига умид кўзи билан қарадилар.

1917 йилги қизил инқилоб халқларга озодлик бериши керак эди. Лекин бундай бўлмади. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг шахдам одимига издошлик қилган кўплаб қалам соҳиблари қалам ва қурол билан майдонга чиқдилар. Буларнинг сафида Муҳаммадшариф Сўфизода, Оразий, Ҳайратий каби ўтмиш адабиётлардаги энг яхши анъаналарнинг меросхўри бўлган шоирлар ҳам бор эди. Маданиятимиз тарихидан муносиб ўрин олган бу шоирлар ижодини ўрганиш ўзбек адабиётидаги икки муҳим давр – маърифатпарварлик ва жаҳид адабиёти ўртасидаги қонуний боғланишни, янги давр адабиётининг ташкил топишидаги манбаларни белгилаш учун жуда муҳим материал беради. Биз ана шулардан келиб чиқиб уч шоир – Сўфизода (1869-1937), Оразий (1869-1942), Ҳайратий (1870-1963)ларнинг адабиётимиз тарихида қолдирган адабий мерослари ҳақида махсус илмий текшириш олиб боришга, улар ижодининг ўзига хос томонларини мумкин қадар илмий асосларда кўрсатишга қарор қилдик. Чунки ўзбек адабиётининг деярли ярим асрли тарихида уларнинг ўзига хос ўрни бўлгани ҳақиқатдир. Бундан таш-



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/1702> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1702> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/1702>